





**● БУ ҲАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДАГИ ЙИГИЛИШДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ**

**Бошқа табиий бойликлар сингари ер ҳам Оллоҳнинг бизларга тортиқ қилган буюк неъматидир. Ер инсонларнинг нафақат яшаш макони, балки асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳамдир. У бизни тўйдирди, боқадим ва ҳужалик фаолиятимиз учун зарур бўлган хом-ашёларни беради. Шунинг учун ҳам инсонлар қадим-қадимдан уни эъзозлаб, муҳофазалаб келган.**  
**Ер тупроқ тушунчасининг синоними, лекин айнан ўзи эмас. Чунки ер юзаси нафақат тупроқлардан, балки ўсимлик билан қопланмаган қум, тош ва тошлоқлардан, яъни соф жинслардан (тупроқларни ҳосил қилувчи моддалардан) ҳам иборат бўлиши мумкин. Шунинг учун турли фан соҳаларида «Ер» турлича маъно ашғолади: Астрономияда — планета; Географияда — қуруқлик юзаси; қишлоқ ҳўжалигида — тупроқ қатлами; Экологияда — экологик тизимда турувчи табиий объект; Ҳўқуқда — мулк объекти; Иқтисодда — ҳўжалик юргизиш объекти. Нима бўлганда ҳам ер — одамларнинг ягона планетаси, ишлаб чиқариш ва ҳўжалик юртиш объекти, суверенитетлигининг ёркин ифодасидир.**



фойдаланишни йўлга қўяди.

Мамлакатимизнинг умумий ер майдони 44,9 млн. гектарга тенг. Унинг ҳудуди Буюк Британиядан икки баробар, Голландиядан 10 баробар, Бельгиядан 15 баробар каттадир. Ерларимизнинг аксарият қисми (39 фоиз) сахро ва чўллاردан иборат бўлган Турон текислигидан, 10 фоизи рельефи оғир бўлган ўрта ва баланд тоғлардан, 3,1 фоизи сув юзаси, 6,0 фоизи тоғу тошлардан иборат.

Ер кодексининг 8-моддасида кўрсатилган 8 тоифадаги ер фондидан энг қимматлиси, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлардир. Мамлакат аҳолисининг 60 фоизга яқини, меҳнатга яроқли аҳолининг 44 фоизи қишлоқларда яшайди. Республикада камидан камидан 25 млн. кишининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг 90 фоизи ҳўжалик фонди ерларида этиштирилмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган экин майдонлари Қозоғистондан 10, Россиядан 4, Украинадан 3, Қирғизистондан 1,5 баробар камдир. Собиқ Иттифок даврида республикамиз ер фондидан экстенсив ва ҳўжасизларча фойдаланиш натижасида 4,3 млн.

гектар сўғориладиган экин майдонларининг ярмидан кўпи турли даражада шўрланди, деярли ярми экологик жиҳатдан ифосланди. Лекин, аҳоли сонининг тез суръатларда ўсиши ва аҳоли пунктлари, санаот, транспорт каби қишлоқ ҳўжалиги ерларининг ортиб бориши, сув тақчиллиги (айниқса 2000-2002 йилларда) ҳар бир қарич экин майдонидан ўта самарадорлик билан фойдаланиши, сўғориладиган ерларимизни алоҳида эътибор билан муҳофазат қилишимизни тақозо этади. Акс ҳолда аҳолининг фаровонлигини ошириш, озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш масалалари ўткир муаммага айланиши мумкин.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги нутқида ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажagini

**55-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.**  
 Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан

ўтди. Президентимизнинг нутқи ва Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиққан ҳолда ерларни муҳофазат қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш учун куйидаги ижтимоий - иқтисодий ислохотларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

**ТАШКИЛИЙ - ҲЎЖАЛИК СОҲАСИДА.** Қишлоқда аҳолига малакали хизмат кўрсатишни ташкил этиш. Шу мақсадда туман миқёсида «Ер тез ёрдами» ёки «Ер доктори» экспресс хизмат кўрсатувчи фирмаларни ташкил этиш ва уларнинг

ҳўжухий асосини яратиш. Ушбу ер хизмати нафақат малакали тупроқшунос, агрохимёгар ва мелиораторлардан, балки ҳўқуқшунос зооомухандис, энтимолог, ирригатор каби ёрдамчи мутахассислардан ҳам иборат бўлиши керак. Дастлаб уларни ташкил этиш ва молиялаш давлат томонидан, сўнгра эса ҳўжалик шартномаси асосида йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки қишлоқ аҳолиси ва тадбиркорлар бундай янги турдаги хизмат кўрсатишни биданига англай олмасликлари ва уларни тегишли равишда қўллаб-қувватламасликлари мумкинлигини назарда тутиш керак.

Қишлоқ ҳўжалик олий таълимининг магистратура босқичида «Ер тез ёрдами»ни амалга оширувчи махсус мутахассисликлар бўйича талабаларни ўқитиш, амалиётда ишлайдиганларни эса қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш керак бўлади.

**ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА.** Ер менежменти ва ер маркетинги бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, тегишли мутахассисларни тайёрлаш ва илмий изланишлар олиб боришни йўлга қўйиш керак, чунки ер — бу ишлаб чиқариш воситаси, шунинг учун у малакали бошқарувни ташкил этиш ва бозор муносабатларида уни тўғри баҳолаш учун тадбирлар тизимини яратишни тақозо қилади.

**ҲЎҚУҚИЙ СОҲАДА.** Ер, тўғрироғи, унумдор тупроқларни муҳофазат қилиш ва улардан самарадорлик билан фойдаланиш учун «Тупроқ унумдорлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис муҳокамасига киритиш ёки уни Ер кодексида алоҳида боб қилиб ажратиш даркор.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган мамлакатимизда ижтимоий, аграр муносабатларни жаҳон стандартлари даражасида йўлга қўйиш жуда муҳимдир.

Ишлаб чиқариш, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етишти-

рувчи майда ва ўрта бизнес сохиблари, фермер деҳқон ва

ҳўжаликларига кредитлар ажратиш, уларни солиққа тортиб, рағбатлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг меъёрий томонларини қайтадан кўриб чиқиш керак.

Ерга нисбатан хусусий мулк масаласига келадиган бўлса, 1917 йил октябрь инқилобидан олдин ерга нисбатан уч хил — вақф, амлок ва хусусий мулкчилик ўрнатилган. Уларнинг ичида энг кўп тарқалгани вақф, яъни диний ташкилот, идора, муассасаларнинг ерлари бўлган. Ушбу ерлар деҳқон ва chorvadorларга фойдаланиш ҳамда ижарага бериш асосида ишлаб чиқаришга жалб қилинган ва тушган фойда мадраса, мактаб, диний бошқарув, қурилиш, таъмирлаш каби савобли ишларга ишлатилган. Амлок давлат ерлари бўлиб, у сиёсий, табиий, иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ўз функциясини ўтаган. Шахсий ерлар кўпинча қичик майдонлардаги ер участкаларидан иборат

бўлиб, уларнинг миқдори 10-20 фоизни ташкил қилган. Бутун Россия Советларининг 26-27 октябрдаги III сьезида қабул қилинган «Ер тўғрисидаги декрет» бундай мулкчиликнинг турли кўринишларига чек қўйди. Ерга нисбатан давлат мулкчилигини татбиқ қилиш, ер эгаси бўлиш, диний ташкилотлардан, бой деҳқонлардан ерни камбағал деҳқон ва батрақларга олиб бериш ер муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди. Қулоқ қилишлар натижасида 1920-33 йилларда Россияда, сўнгра бутун Иттифокда очарчилик даври бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 16-моддасига кўра, ерлар умуммиллий бойлик ҳисобланади ва у давлат мулкчидир. Лекин Конституциямизнинг 36-моддасига мувофиқ ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Умуммиллий бойлик тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, у барча кўринишдаги мулк шаклини қамраб олади.

Ҳозирча ер давлат мулкчидир. Лекин у ашёвий мулк сифатида алоҳида жойлашган кўчмас мулк, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаси объектилари хусусийлаштирилганда берилиши мумкин. Ер участкаларига нисбатан бундай мулк шаклининг вужудга келиши ер муносабатларида ҳам бозор иқтисодиётининг қонуниятларига босқичма-босқич ўтиб бориш демакдир.

Давлатнинг ер муносабатларини тартибга солишдан қаттиқ назорат ва қафолат бериш функцияси кучайиб бориши табиий ҳолдир. Чунки ҳамма табиий бойликлар мулқ давлат мулки бўлган собиқ Иттифок даврида одамларда ерга нисбатан эгаллик ҳисси батамом сўндирилди. Эгаллик ҳисси ҳали тикланганча йўқ. Шунинг учун ҳам давлат ўзининг махсус ваколатланган ва ҳўқуқни муҳофазат қилиш органилари орқали назорат ва қафолат функциясини амалга оширади.

Давлат ерларни муҳофазалаш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш учун, албатта, ягона ер мониторинги — кадастри-экспертизаси-назорат-жавобгарлиги тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга татбиқ қилишга мажбурдир. Чунки ер ҳолатини баҳоламай, кузатишни йўлга қўймай туриб, мутахассисларнинг ҳулосасини олмаган тарзда оператив назорат олиб бориш ва ҳўқуқбузарларга нисбатан ўз вақтида тегишли чора кўришини иложи йўқ. Бундай тизим тегишли идоралар томонидан ишлаб чиқилмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Уларни ҳаётга татбиқ қилиш механизминини йўлга қўйиш шу куннинг долзарб муаммоларидандир.

Ер бизнинг ризку рўзимиз, бебаҳо бойлигимиздир. Уни эъзозлаш ва келажак авлодларга асраб-авайлаб етказиш ҳаммамизнинг бурчимиз ҳисобланади.

**50-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.**  
 Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан

**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Конституциясининг 3 - ва 55-моддаларига кўра, давлат чегараси билан белгиланиб қўйилган ер ва сув кенгликларидан иборат бўлган ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир. Улар бошқа табиий захиралар қатори, умуммиллий бойлик саналади ва давлат муҳофазасига олинган.

Ҳўш, нима учун ерларни муҳофазалашга Асосий қонуни-мизда катта эътибор берилган? Нима учун бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтаётган юртимизда ерга хусусий мулк объекти сифатида қаралмаган? Нима учун ерларни эгалловчи, фойдаланувчи ва ижарачиларга бўлиб беришда бунчалар қаттиқ назорат ва юридик жавобгарликлар ўрнатилган, деган ўринли саволлар туғилади. Уларга биз илмий асосланган қуйидаги жавобларни беришга ҳаракат қиламиз.

# БАРКАМОЛ АВЛОД — МИЛЛАТ

Мамлакатимиз аҳолисининг 44,4 фоизини воёга етмаганлар ташкил этади. Шу сабабли уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, оилани мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, улар томонидан содир этиладиган жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун муҳим қонунлар қабул қилинди ҳамда кенг қўлмали дастурлар амалга оширилмоқда.

ганларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш яхши йўлга қўйилган.

Анджон шаҳридаги энг йirik «Чўлпон» кинотеатри негизида тузилган «Ёшлар маркази»да эса прокуратура ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирларда ўтган йилда 12000 дан зиёд воёга етмаганлар иштирок этишган.

Ҳўжаобод туманида истикомат қилаётган 592 нафар воёга етмаган ногиронларга зарур шарт-шароитлар яратиш, соғлигини тиклаш, вақтларини кўнгилли ўтказиш учун барча қулайликларга эга



келмоқда.

Шунинг билан бирга, меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш дастакларининг етарли ривожланмаганлиги туфайли бу йўналишда прокуратура органлари, комиссиялар, ҳўжўки муҳофаза қилувчи ва бошқа мутасадди идоралар томонидан воёга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида талайгина камчиликлар ҳам мавжуд.

Фаолиятидаги кўплаб қонунбузилишлар ва

оид ҳуқуқларини рўёбга чиқариш масалаларида ҳам муаммолар мавжуд.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари билан жойлардаги фўқаролар йиғинлари ва бошқа мутасадди идоралар ўртасида ҳамкорликнинг йўқлиги ҳам қонунбузилишлар содир этилишига шароит яратмоқда.

Ногирон болаларни протез-ортопедия махсулотлари билан таъминлаш аҳоли кескинлигича қолаётир. Тиббий-меҳнат экспертиза органлари томонидан кўпчилик ҳолатларда ногиронлик муддатлари ва гуруҳи нотўғри белгиланмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва милиция идораларида ўсмирлар муаммоларини ҳал этишдаги мавжуд тарқоқликка барҳам берилмаганлиги, воёга етмаганлар ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича мақбул ҳўжўки муҳитни шакллантириш ва илгор тажрибани мунтазам жорий этишга етарли эътибор қилинмаганлиги туфайли ўтган йилда Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида криминоген вазият бирмунча мураккаблашган.

2002 йил 1 январь кўнига қадар «Амнистия тўғрисида»ги Фармон асосида тергов маҳкамалари, тарбия колониялари, ички ишлар ва суд идоралари томонидан бир неча ўз жиноят ишлари ҳамда материаллар юзасидан воёга етмаганлар жазо ўташ ва жиноий жавобгарликдан озод этилган.

Жумладан, 132 нафар воёга етмаганларга нисбатан жиноят ишлари тугатилган, 50 нафарига нисбатан жиноят иши қўғатиш рад қилинган, тергов хўбсхоналаридан 12 нафари ва тарбия колонияларидан бир қанчаси озод этилган.

Комиссиялар ишини такомиллаштириш учун келгусида болалар муассасаларида таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ҳақидаги қонунларнинг бажарилиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, воёга етмаганлар меҳнат ҳўжўқларини рўёбга чиқариш кафолатлари, иқтидорли ўқувчиларни кўллаб-қувватлаш, фан ва касб тўғаракларини юритиш, ҳўжўки таълим аҳоли, вазирликлар ва республика жамоат ташкилотларининг мувофиқлаштирув фаолияти каби долзарб масалаларни ўрганиш режалаштирилди.

Норбой БОБОЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратурасининг бўлими  
бошлиғи

## БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА: БИРДАМЛИК ВА ТАРҚОҚЛИК

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори давлат маҳкамалари, идоралар ва ташкилотларга воёга етмаганлар масалалари билан шуғулланишда мустақил фаолият кўрсатиш борасида зарур ҳўжўки замин яратиб берди.

Мазкур қарор воситасида ҳўкимликлар комиссиялари, ички ишлар тизимидаги воёга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи нозирликлар, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқа вазирликларнинг тарқийбий тузилмалари фаолияти мувофиқлаштирилиб борилмоқда.

Ёшларни тарбиялаш, ҳўжўки онгини ўстириш, улар ўртасида ҳўжўбузарлик, жиноятчилик ҳамда норасмий диний оқимлар тарқибига кириб қолиш ҳолларининг олдини олишда мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш юзасидан ҳўкумат комиссиясининг 2000-2005 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижроси таъминланмоқда.

Шунингдек, жойларда ҳўкимликлар ҳузуринда жами 225 та комиссия ташкил қилиниб, уларнинг тарқибиди 90 нафар ҳўжўшунос фаолият кўрсатаётир.

Қўрлган чоралар туфайли мамлакат бўйича воёга етмаганлар жиноятчилиги 3,6 фоизга ва ҳўжўбузарликлар 32 фоизга камайган.

Ўқимасдан ва ишласандан юрган воёга етмаганлар сонининг 31,2 фоиз камайишига эришилди.

Айни пайтда, ногирон болаларнинг таълим ҳўжўқларини рўёбга чиқариш ва уларга тиббий кизмат кўрсатиш борасидаги камчиликларни амалда бартараф этилиши таъминланиб, ўқитишга тортган ногиронлар сони 54 фоизга қўлайган.

Жойларда ўқимай, ишламай юрган воёга етмаганларнинг кўп қисми меҳнат ярмаркалари орқали иш билан таъминланган.

Бундан ташқари, Анджон, Хоразм ва Бухоро вилоятларида «Меҳрибонлик уй»ларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида гивъандлик тарқилишининг олдини олишга қарши аҳоли курашчанлигини кўчатиришга йўналтирилган тадбирлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Асака шаҳрида «Ёшлар маркази» ташкил қилиниб, воёга етма-

бўлган «Ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази» ташкил этилди.

Навоий вилоятида ҳўкимликлар ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда кўнгилочар тадбирлар мунтазам ўтказилиб борилаёпти. Прокуратура ташаббуси билан жойларда ўқувчилар билимининг чуқурлаштириш мақсадида «ҳўжўки синф»лар ташкил этилган.

Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» вилоят ташкилоти тўғаракларига кўллаб ёшлар жалб қилиниб, уларда касб кўникмаларини шакллантириш, спортнинг техник ва оммавий турларини омалаштиришга муваффақ бўлинган.

Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги ҳўкумат қароридан сўнг васийлик ва ҳўимийлик ишларига яна ҳам жиҳдий эътибор қаратилди.

Фарғона вилоятидаги «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётганларга ҳўимийлик асосида жамгарма ҳисоб рақамлари очилиб, пул маблағлари қўйилган. Уларга кийим-кечак, радио-техника воситалари совға қилиниб, «Меҳрибонлик уй»лари автомашиналар билан таъминланган.

Анджон вилоятининг Қўрғонтепа туманида ўтган йилда 2 та 420 ўринли, Жалолқудў туманида 160 ўринли, «Болгария» ширкат ҳўжа-лигида 220 ўринли, Олтинқўл туманида 330 ўринли, Хўжаобод туманида тадбиркор Х.Расулов томонидан 240 ўринли ва Булоқбоши туманида 180 ўринли мақбул фойдаланишга топширилди.

Воёга етмаганларнинг ҳўжўқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш фаолиятини халқаро стандартларга ақинлаштириш, бунинг учун давлат профилактика тизими самардорлигини ошириш, унинг фаолият кўрсатишини такомиллаштириш юзасидан кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, БМТ томонидан 1990 йилда тасдиқланган Эр-Рияд раҳбарий ҳўжатига белгиланган 9 та тамойилларга мувофиқ воёга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳўжўбузарлик аҳоли мунтазам мониторинг қилинаётир.

Бу йўналишда қабул қилинган дастурларни амалга ошириш чоралари кўрилиб, ҳўжўбузарликни олдини олиш дастаклари ва услубла-

ри, профилактика тизимини малакали ходимлар билан таъминлаш ва бу фаолият устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳрида мактаб битирувчиларни кўтлашга бағишланган «Истиқлол умидлари» ва «Олимпиада умидлари» деб номланган спорт тадбирлари ёшлар муҳитида бирдамликка, яхшиликка ва бунёдкорликка интилиш кўникмаларининг кўчатиришга, соғлом турмуш тарзининг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Воёга етмаганларни спорт тўғараклари ва секцияларга жалб этиш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Мамлакатда 1.800 миңдан ортққ ўспириш спорт тўғаракларига жалб қилинган.

Самарқанд вилоятининг Пойриқ туманида «Соғломлаштириш маркази» ташкил этилиб, 500 дан ортққ, шу жумладан, тарбияси оғир ва профилактика хисобига турган ёшлар спорт билан шуғулланиб

камчиликлар туфайли комиссиялар мажбуд вазиятни етарли назорат қила олишмаяпти.

Ўтган йилда туман ва шаҳар комиссияларининг 346 та қонунсиз қарорлари прокурорларнинг протестлари билан бекор қилинган, қонунбузилишларини бартараф этиш юзасидан комиссияларга 815 та тақдиминома киритилган.

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги воёга етмаганлар ишлари бўйича шуғулланувчи нозирликлар томонидан ўқимасдан ва ишласандан юрган ўсмирларни аниқлаш, уларни профилактика тизими қамровига олиш вазифалари лозим даражада бажарилмаёпти. Ички ишлар, таълим ва соғлиқни сақлаш идораларининг воёга етмаганларни ичкиликбозликка, гивъандликка ва бошқа гайриижтимоий фаолиятга жалб қилинишининг олдини олиш фаолияти тубдан яхшиланishi шурар.

Ўсмирларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофазага

Орт келажи, жамият равақат кўп жиҳатдан ёш авлоднинг тарбиясига боғлиқ. Соғлом генафонди, маънавий баркамол, кенг дунёқарашли авлодни мамлакатимиз келажидаги муносиб тарзда шакллантириш барчамизнинг инсоний, айни пайтда фўқаролик бурчимиз ҳамдир. Бу масалага Президентимиз Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишида яна бир бор эътибор қаратилиб, ёш авлод тарбиясидек муҳим, нозик вазифага лоқайд, масъулиятсиз муносабатда бўлиш мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, мамлакатимизда айнан шу йўналишда қатор салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга татибқ этилмоқда. Ўқув даргоҳларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ёшларга етакчилик берилаётган турли йўналишдаги илмий маълумотлар, ахборотлар сифатини юксалтириш йўлида ҳам катта гамхўрлик қилинаётир. Айниқса, мамлакатимиз демографик кўрсаткичида катта қатламини таш-

кел эстадиган воёга етмаганларнинг тарбиясига қаратилган чоратадбирлар ушбу устувор тамойилнинг узвий қисми ҳисобланади. Бундай узвийликнинг ўз-ўзидан табиий, оқилона эканлигини кўпгина чет эллик мунаққидлар ҳам таъкидлашмоқда.

Воёга етмаганлар тарбиясидек

муҳим вазифа Жиззах вилоят фўқароларининг юмшлариди, кундалик турмушида, иш фаолиятида ўз аксини толган. Лекин табиий бир савол туғулади: Қай тарзда, қай даражада?

Мана шу саволларга жавоб берилар экан, аввало бир ҳолатни мамнуният билан кўрсатиб ўтиш лозим. Вилоятда воёга етмаганлар

## ЛОҚАЙДЛИККА

асакта шахрида «Ёшлар маркази» ташкил қилиниб, воёга етма-





● ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ



«ЭЛТЕКС»

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТМОҚДА

Элликқалъа тумани Қорақалпоғистоннинг энг обод ва кўркем туманларидан бири. Туман яқиндагина ташкил этилганинг 25 йиллигини кенг нишонлади. Утган йилларда чиройли ва бежирим Бўстон шаҳри қад кўтарди. Туман айниқса, мустақиллик йилларида янада ривожланди. Жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган «Элтекс» тўқмаачилик комплекси қисқа муддатларда қуриб, ишга туширишди. Мана 8 йилдирки, комплекс узлуқсиз равишда маҳсулот чиқармоқда.

Катта даргоҳда 2000 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Шундан 1500 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг унумли ишлашлари учун барча шарт шaroитлар яратилган.

— Немис дўстларимизнинг иш тажрибасини ўрганиш ниятида Германияга сафар қилдик, — дейди «Элтекс» акциядорлик жамияти раиси Рашид Ёқубов. — Келн шаҳридаги кўрғазмада «Юнивер» корхонасининг раҳбарлари билан танишдик.



Тўғриси, немисларнинг иш услуби менга маъжул келди, уларни қорхонамизга таклиф қилдим.

Германияликлар корхонамиздаги шароит билан яқиндан танишдилар. Улар кўшма корхона тузишга, ҳамкорликда ишлашга розилик беришди. Шунини алоҳида таъкидламоқчи эдимки, энг сифатли пахта бизда етиштирилади. Пахтамизнинг сифати ҳамроҳларимизга маъжул келди.

«Элтекс»да тўқиб чиқарилаётган жинси матолар ҳам жаҳон бозорига ўз харидорини топмоқда. 500 минг АҚШ долларидан кўпроқ шундай матолар экспорт қилинди. Германия, Австрия каби мамлакатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди.

Комплексга 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорига чет эл инвестицияси киритилган. Бу эса корхонанинг тўқимаачилик дастгоҳларини янгилашга имконият яратди. Италияда ишлаб чиқарилган 450 дона тикув машиналари келтирилди.

— Ҳар ойда ўртача 30 миллион сўм миқдорига маош тарқатамиз, — дейди жамият раиси сўзида давом этиб. — Ҳар бир ишловчимизга ўртача 15 минг сўмдан тўғри келади.


Ҳа, маошларини ўз вақтида олаётган ишчи-хизматчиларнинг ишга ихлоси баланд. Корхонада тикилган жинси кўйлақлар, кбстюм шимлар ўзининг бежирим сифати билан ажралиб туради.

Яқин кунлар ичида корхонада 1000 та иш ўринларини очиб мўлжалланмоқда.

— Биз ҳар бир ишни бошлашдан олдин маҳалла фаоллари, оксоқоллар ва юристлар билан маслаҳатлашамиз. Амалга ошироқчи бўлган ишимиз қонунийми ёки йўқми, деган масалага ойдинлик киритиб оламиз. Улар тўғри маслаҳат беришадилар. Туман прокурори Д.Худойберганов корхонамизда тез-тез бўлиб, ишчилар билан ҳуқуқий мавзуда сўхбатлар, учрашувлар ўтказди. Натижада ўтган йили жамоамизда тартиббузарлик, жиноятчилик содир этилмади.

«Элтекс»чилар эртанги кунга катта умидлар билан боқмоқда. Мустақиллигимиз шарофати туфайли қад кўтариб, жаҳонга юз тутган комплекснинг ишлари ҳамма вақт бароридан келсин.

**Н.ОҚНАЗАРОВ,**  
«НУҚУҚ» мухбири,  
**Б.ОРАЗГЕЛДИЕВ,**  
журналист



МУШАРРАФНИНГ ЯНГИ ҚАРОРИ

Покистон президенти Парвез Мушарраф яқинлашаётган референдумда халқ уни қўллаб-қувватламаса, истеъфога чиқишга тайёр эканлигини маълум қилган. «Агар халқ меннинг президент бўлишимни истамаса, эртагаёқ кетаман, бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас», — деган Покистоннинг ҳозирги президенти мамлакатдаги Indus Vision телеканалига интервью бераётган экан.

1999 йил октябрь ойида ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимият тенасига келган Мушарраф 2002 йилнинг кузига демократик сайловлар ўтказишни ваъда қилган эди. Бироқ у жорий йилнинг бошида қарорини ўзгартирди ва 30 апрел кунини президентлик ваколатини 5 йилга узайтириш тўғрисида референдум ўтказилишини белгилаб қўйди.

ИХТИЁРИЙ-МАЖБУРИЙ ЧОРА

Гаага трибунали томонидан ҳарбий жиноятлар содир этганликда айбланаётган 23 шахсдан 3 нафарининг адвокати душанба кунини Югославия Адлия вазирлигига мурожаат қилиб, мижозларининг ихтиёрий равишда Гаагага боришга тайёр эканлигини билдиришган. Гап Д. Ойдинич, М.Мрксич ва М.Мартич хусусида кетмоқда. Шу кунини ихтиёрий таслим бўлиш тўғрисида ариза бериш муддати тугаб, суд сешанба кунидан бошлаб айбланаётганларни ҳибсага олиб, трибуналга топшириш чораларини кўриши мумкин.

ЛЕ ПЕННИНГ БАЁНОТИ

Франция президентлиги учун номзоди қўйилган Жан-Мари Ле Пен агар сайловда ғолиб чиқадиган бўлса, мамлакатни Европа Иттифоқидан чиқаришга ҳаракат қилишини билдирди. Ле Пен ўзини «сиёсий тизимни емириш учун француз халқи томонидан илгари сурилган номзод» дея атади. «Президентлик курсиси учун мен билан Жак Ширак ўртасида кечаётган кураш халқ номзоди билан Брюссел (Евроиттифоқ назарда тутилмоқда)га ҳисобот бермай туриб бир қадам ҳам қўймайдиган тизимнинг номзоди ўртасидаги курашдир», — деди Ле Пен. Бундан ташқари у мамлакатга кириб келаётган муҳожирлар сонини кескин чеклаб қўйиш таклифи билан чиқди.

Афтидан, «халқ номзоди» мана шу йўллар билан халқ ишончини қозонмоқчи бўлаётганга ўхшаيدди.



АЙБИ ИСБОТЛАНСА...

Покистонда Wall Street Journal мухбири Дэниел Перлин ўғирлаб кетиш ва ўлдирилган айбланаётган бир гуруҳ шахсларнинг қилмиши бўйича суд муҳокамалари бошланди. Ўғирликнинг ташкилотчиси сифатида гумон қилинаётган Аҳмад Умар Саид Шайх ва унинг уч шериги барча айбловларини рад этмоқда. Айби исботланган тақдирда улар Покистон қонунарига кўра қатл қилинадилар.



Малайзияда мамлакат мудофааси учун зарур бўлган замонавий қирувчи самолётларни харид қилиш бўйича ўтказилган халқаро тендерда россиялик самолётсозлар ғолиб чиқди. Малайзиялик ҳарбий мутахассисларга Россия томонидан таклиф этилган СУ-30МК қирувчи самолётни ҳар томондан маъқул бўлди ва улар бу русумдаги машиналардан бир неча ўнтаксини харид қилиш ниятида эканлигини билдиришди. Ушбу тендерда АҚШнинг «Боинг» ва Буюк Британиянинг ҳарбий самолётлар ишлаб чиқарувчи компаниялари ҳам иштирок этган эди.

ЯНГИ БЎЛИНМА

Буюк Британияда ҳайвонот дунёсининг камёб турларига қарши жиноят содир этганлар билан курашиш бўйича полициянинг махсус бўлими тuzилди. Бўлимга ваколатларига ноёб ҳайвонлар контрабандаси ва ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи шахслар ва жинсий гуруҳларни фoш этиш ҳамда судга топшириш киради. Душанба кунини Лондонда бўлиб ўтган бўлинманинг тақдимот маросимида айтилишича, ноёб ҳайвонлар ва уларнинг аззолари (суяги, тиши, териси)дан ясалган буюмларнинг «қора бозор»даги савдосидан жиноятчилар ҳар йили 3,5 млрд. фунт-стерлинг фойда кўришади.

Бўлимга раҳбариятининг сўзларига кўра, эндиликда уларга қарши аҳоли ва халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда кураш олиб борилади.

МАХСУС «ЮК» БИЛАН...

Душанба кунини Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди номли халқаро аэропортда беш яшар қизчанинг юклари текширилганда бир килограммга яқин героин топилган. Қизча Колумбиядан катталарнинг кузатувисиз бир ўзи учиб келган эди. Мазкур ҳодиса юзасидан тергов олиб борилмоқда. Ҳар ҳолда бу тасодифий ҳол бўлмаса керак.

РОССИЯ — СУДАН ҲАМКОРЛИГИ

Яқин кунларда Россия ва Судан ҳукуматларари ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тайёрлашга киришишади. Бу ҳақда Судан Миллий мудофаа вазири Бақри Ҳасан Солиҳ билан музокара олиб борган Россия Мудофаа вазири Сергей Иванов баёнот берди. Судан президентининг Россияга расмий сафари муносабати билан мазкур ҳужжатнинг ишлаб чиқиши тезлашиб кетса, ажаб эмас.

ЎША МАШҲУР ХАРИТА

АҚШ ҳукумати машҳур Қариб инқирози вақтида президент Жон Кеннеди фойдаланган Куба хариталарининг сотилишига тўқинчилик қилишга ҳаракат қилмоқда.

Мексика матбуотининг хабарларига кўра, душанба кунини нью-йорклик судья Роберт Уард АҚШ ҳукуматининг сўровига биноан интернет орқали сотилаётган харита савдосини вақтинча тўхтатиб қўйган.

МРБ томонидан тайёрланган харита ҳозирги пайтда бир хусусий шахсининг мулки ҳисобланиб, унда инқирознинг қизғин кунини — 1962 йил 16 октябрда энг яқин 12 маслаҳатчиси билан кенгашиб олган, президент Кеннеди ўз қўли билан киритган белгилар мавзуд. Маълумки, ушунда АҚШ ва СССР ўртасида ядро уруши бошланиб кетишига бир баҳа қолган эди.

Харитани сотишдан 750 минг доллар фойда кўришни кўзлаган эгасининг айтишича, Кеннеди киритган белгилар «рус ракеталарининг жойлашиш ўрнини билдиради».

Ҳукуматнинг фикрича, харита АҚШнинг мулки ҳисобланади ва у хусусий шахслар қўлига ноқонуний йўл билан тушиб қолган.

